

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ СОҲАСИДАГИ ВАЗИЯТИ

Куллийев Улуғбек Мирзаевич

1-тоифали мутахассис, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия
вазирлиги ҳузуридаги бюджет-солиқ, тадқиқотлари институти.

Моб. тел.+998949277779

Эл.почта: kullievu@bk.ru

Аннотация

Мазкур тезисда Ўзбекистон электр энергияси соҳасидаги вазияти аҳолининг 2021-йилдаги электр энергияси истеъмоли асосида ўрганилади ва таҳлил қилинади. Таҳлил асосида Ўзбекистонда амалга оширилиши режалаштирилган табақалаштирилган тариф учун тавсиялар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: Электр энергияси, тариф модели, электр энергияси истеъмоли, блок тариф.

Бугунги кунда электр энергияси секторини барқарорлаштириш, аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала сифатида кўрилади. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси 24-мақсадида: “Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш” вазифаси белгилаб берилган¹. Мазкур тезисда Ўзбекистон аҳолиси истеъмолчиларининг 2021 йилдаги электр энергияси истеъмоли маълумотлари асосида электр энергияси секторидаги вазият атрофлича таҳлил қилинади.


Ўзбекистон аҳолиси истеъмолчиларининг 2021 йилдаги электр энергияси истеъмоли миқдоридан маълумки (1-расм), деярли барча ҳудудларда электр энергияси истеъмолида сентябрь ойидан бошлаб ўсиш кузатилган ва бу ўсиш февраль ойигача қадар давом этган, ҳамда феврал ойига келиб қисқа пасайиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-йил 28-январдаги 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармон. <https://lex.uz/docs/5841063> [15.02.2023]



кайд этилган. Март ойида электр энергияси истеъмолида яна қисқа ўсиш бўлиб, май ойигача истеъмол камайиш тенденцияси давом қилган. Июль ойининг жуда иссиқ келгани туфайли деярли барча ҳудудий бирликларда кескин ўсиш кузатилган. Ўзбекистоннинг иқлими кескин континентал бўлганлиги боис (қиши жуда совуқ ёзи жуда иссиқ), электр энергияси истеъмолидаги бу ўзгаришларни олдиндан тахмин қилиш мумкин. Тошкент шаҳрида ёз ойида электр энергияси истеъмоли бошқа ойларга қараганда ошиб кетганини кўришимиз мумкин (бошқа маъмурий бирликларнинг барчасида ёз ойларида электр энергияси истеъмоли кам). Тошкент шаҳридаги бу фарқнинг биринчи сабаби – уй хўжалиқларининг умумий иситиш тизимларига эга эканлиги ва бу тизм электр энергиясига жуда кам боғлиқ эканлиги бўлса, иккинчи сабаби – ёз ойларида кўплаб уй хўжалиқларининг совитиш мосламаси (кондиционер) дан фойдалана олишга имконияти мавжуд.

1-расм. Аҳоли истеъмолчиларининг 2021 йилдаги электр энергияси истеъмоли графиги, кВт·соатда




Манба: “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан тақдим қилинган, ҳар бир аҳоли истеъмолчиларининг ойлик электр энергияси истеъмоли миқдори бўйича (14 та маъмурий бирликлар кесимида) бирламчи маълумотлар асосида муаллиф томонидан маълумотлар қайта ишланган ва график чизилган.

Аҳоли истеъмолчиларининг 2021 йилдаги электр энергияси истеъмолини таҳлил қилиш учун 7 та блокка бўламиз (2021 йил мобайнида умуман электр

энергияси истеъмол қилмаган уй хўжаликлари – ноактив истеъмолчилар, бу 7 та блокка тегишли эмас) ва тегишли хулосалар чиқарамиз (2-расм). 2-расмдан кўриниб турибдики, энг кўп уй хўжаликларини қамраб олган биринчи учлик блоклари мос равишта – 50 -100 кВт·соат, 0-50 кВт·соат ва 100-150 кВт·соат блокларидир.

2-расм. 2021 йилдаги уй хўжаликларининг истеъмол блокларга ажратилган электр энергияси истеъмоли, фоизда.



Манба: “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан тақдим қилинган, ҳар бир аҳоли истеъмолчиларининг ойлик электр энергияси истеъмоли миқдори бўйича (14 та маъмурий бирликлар кесимида) бирламчи маълумотлар асосида муаллиф томонидан маълумотлар қайта ишланган ва график чизилган.

Бирламчи маълумотлар асосида олиб борилган таҳлил натижаларига асосан, аҳоли истеъмолчиларининг 2021 йилдаги истеъмолини блокларга ажратсак, куйидагича:

Ноактив истеъмолчилар – 4,1 фоиз;

0-50 кВт·соат блокдаги истеъмолчилар – 17,9 фоиз;

50-100 кВт·соат блокдаги истеъмолчилар – 25,9 фоиз;

100-150 кВт·соат блокдаги истеъмолчилар – 17,1 фоиз;

150-200 кВт·соат блокдаги истеъмолчилар – 10.4 фоиз;

200-250 кВт·соат блокдаги истеъмолчилар – 6.7 фоиз;

250-300 кВт·соат блокдаги истеъмолчилар – 4,5 фоиз;

300 кВт·соат ва ундан юқори блокдаги истеъмолчилар – 13,4 фоиз.

Юқоридаги статистик маълумотларнинг таҳлилидан куйидаги иккита хулосани шакллантиришимиз мумкин бўлади:

1. “Барча гуруҳлардаги истеъмолчиларга табақалаштирилган тарифни жорий этиш” мақсадига кўра, Ўзбекистонда амалга оширилиши режалаштирилган табақалаштирилган тарифни йил мавсумига боғланган ҳолда жорий қилиш. Электр энергияси тарифларини йил мавсумларига қараб табақалаштирилганда ижтимоий адолатга эришилади. Бунда ёз (июнь, июль ва август) ва қиш (декабрь, январь ва февраль) мавсумларида биринчи блок чегараси оширилади (масалан 300 КВт·соатгача), бошқа мавсумларда йилига ўртача ойлик истеъмол 250 КВт·соатга мўлжаллаб камайтирилади.

2. Табақалашган тарифнинг “ҳаёт чизиғи” (“lifeline”) блогини ташкил қилиш. Бундай блок электр энергияси нархи ошиши ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб қувватлаш ролини ўйнайди. Покистон², Ҳиндистон, Гана ва Вьетнам мамлакатларида “ҳаёт чизиғи” блогини татбиқ этилган бўлиб, у орқали аҳолининг “энг қуйи” қатлами минимал электр энергиясини истеъмоли чегараси белгиланади. Бундай энергия нархи янада арзон белгиланиб, фақат ижтимоий муҳтож (“темир дафтар”га кирган каби) аҳолига тақдим этилиши мумкин. Мисол учун, минимал электр энергияси чегараси 100 КВт·соат белгиланса, унинг нархи амалдаги 1-блок тарифидан пастроқ бўлади, юзага келадиган харажатлар юқори блок истеъмолчилари томонидан қопланади. Агар истеъмол “ҳаёт чизиғи” чегарасидан ошиб кетса, 1-блок тарифига ўтилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. World Resoures Institute. <https://www.wri.org/insights/how-green-tariffs-can-benefit-utilities-and-consumers#:~:text=Green%20tariffs%20are%20one%20emerging,lower%2Dcost%2C%20renewable%20energy.> [15.12.2022]
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-йил 28-январдаги 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармон. <https://lex.uz/docs/5841063> [15.02.2023]

² World Resoures Institute. <https://www.wri.org/insights/how-green-tariffs-can-benefit-utilities-and-consumers#:~:text=Green%20tariffs%20are%20one%20emerging,lower%2Dcost%2C%20renewable%20energy.> [15.12.2022]

